

## «Ақл юритмайсизларми?»



18:41 / 15.02.2018 5502

**Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир. Ақл юритмайсизларми?**

Сизга бу дунёда берилган моддий фаровонлик ва омонлик ҳам, руҳий хотиржамлик ва бошқа матоҳлар ҳам – ҳамма-ҳаммаси ўткинчидир. Улар бу дунёнинг ортиқча зебу зийнатидир. Сиз уларга ўч бўласиз, шулар учун Аллоҳнинг динини тарк этасиз. Ҳолбуки,

**«Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир».**

Беш кунлик дунё ҳирсига кўнгил қўймай, Аллоҳнинг йўлида юрган инсонлар учун унинг ҳузурида дунё маишатида берилган одамлар эришадиган нарсадан кўра яхшироқ ва боқий неъматлар бор. Иймонлилар

икки дунёда ҳам саодатманд бўладилар.

**«Ақл юритмайсизларми?»**

Демак, иймонли ва иймонсизлар орасидаги фарқни билиш учун ақл ишлатиш керак. Ақли бор одам бу фарқни дарҳол тушунади ва Ислом йўлида юради. Ақлсизлар бу фарқни тушуна олмайдилар. Шунинг учун ўзларига фойдали амални қўйиб, зарарли йўлни танлайди.

**«Қосос» Биз унга гўзал ваъда қилган, кейин ўшанга эришувчи киши дунё ҳаётининг матоҳини берганимиздан сўнг, қиёмат куни (азобга) ҳозир қилинганлардан бўлган киши каби бўлармиди?!**

Бу ояти каримада мўмин билан кофир бир-бирларига солиштириб кўрсатилмоқда. Бир томонда мўмин киши.

**«Биз унга гўзал ваъда қилган, кейин ўшанга эришувчи киши...»**

Унга Аллоҳ таоло мўминлиги учун бу дунёда гўзал яшашни, у дунёда гўзал жаннатга эга бўлишни ваъда қилган.

Иккинчи томонда кофир киши.

**«...дунё ҳаётининг матоҳини берганимиздан сўнг, қиёмат куни (азобга) ҳозир қилинганлардан бўлган киши...»**

Аллоҳ таоло унга ҳаёти дунёнинг озгина матоҳини берган. Кейин у дунёда азоблаш учун тайёрлаб қўяди. Хўш, шу икки кишини ўзаро тенг дея оламизми? Албатта, йўқ!

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

(Тафсири ҳилол китобидан)